



**Ислом КАРИМОВ**

**ҲАЁТ СИНОВЛАРИДА  
ТОБЛАНГАН ҚАШҚАДАРЁ ЭЛИ  
ҲАР ҚАНДАЙ ЮКСАК МАРРАНИ  
ЭГАЛЛАШГА ҚОДИР**

**ТОШКЕНТ – «ЎЗБЕКИСТОН» – 2016**

УЎК 323.(575.1) - *Ulcer seccam*  
КБК 66.3(5Ў)  
K 25

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жойларда ижтимоий-иктисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишиш мақсадида 2016 йил 30 июнь – 1 июль кунлари Қашқадарё вилоятида бўлди. Ушбу китобдан ана шу сафар давомида давлатимиз раҳбари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ўрин олган бўлиб, улар нафақат мазкур вилоят, балки бутун мамлакатимизнинг бугунги ва эртанги тараққиёти учун ғоят муҳим аҳамиятга эга.

2016/08 A 5545	Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK
-------------------	--

ISBN 978-9943-28-771-6

© «ЎЗБЕКИСТОН» НМИУ, 2016

*Менсибод*

---

Давлатимиз раҳбари Қашқадарё вилоятига сафарини 2016 йил 30 июнь куни Қарши шаҳридаги тубдан реконструкция қилинган темир йўл вокзали биноси билан танишишдан бошлади. Ислом Каримов, шунингдек, вилоят марказидаги замонавий «Насаф» футбол стадионини ҳам бориб кўрди. Шахар ўртасидан оқиб ўтадиган Қашқадарё соҳилида амалга оширилган катта ҳажмдаги қурилиш, ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларини кўздан кечирди.

Президентимиз Қашқадарёга сафарининг иккинчи куни Қарши туманидаги «Шукрон» фермер хўжалиги даласига ташриф буюорди ва бу ерда вилоят фаоллари, хотин-қизлар ва ёшлар вакиллари билан самимий сухбатлашди.

– Авваламбор, сизлар билан кўришиб турганимдан хурсанд эканимни, сизларни соғинганимни билдириб, барчангизга сиҳат-саломатлик, баҳту саодат тилайман. Сизларнинг руҳингиз тетиклиги, кўзларингизнинг ёниб тургани Қашқадарё аҳлининг баланд кайфиятидан, қашқадарёча қилиб айтганда, димоги чоғлигидан далолат беради. Табиийки, сизлардаги бундай кайфият менга ҳам янги куч-кувват, ғайрат-шижоат ва ишонч бағишлайди.

Бир пайтлар, яъни мустақиллигимиз араfasида Қашқадарёнинг бошига оғир мусибат тушганида, шу заминда яшаётган мард ва олижаноб инсонларнинг қийин ва мураккаб синовлардан ўтишига тўғри келган даврда мен сизлар билан бирга шу табаррук тупроқнинг сув ва нонини баҳам кўриб яшаганимни, Қашқадарё мени худдики ўз фарзандидек бағрига олганини ҳеч қачон эсимдан чиқармайман. Собиқ марказдан юборилган «десантчи»лар бизларни менсимасдан, ўзига teng кўрмасдан, зўравонлик билан бизнинг устимизда қандайдир эксперимент – тажриба ўtkазишга уринганида, Қашқадарё аҳли билан биргаликда қандай азоб тортганимиз, қийинчилкларга қандай чидаганимиз ҳам асло хаёлимдан кўтариlmайди.

Бугунги кунда ортда қолган, тарихга айланган ўша ўта қалтис пайтларда Қашқадарё эли ҳар қандай маشاққатларни сабр-бардош билан енгиб ўтишга қодир эканига ўзим бевосита гувоҳ бўлганман. Бу элнинг олижаноб инсоний хусусиятлари, юксак фазилатлари ҳеч қачон, ҳеч бир шароитда ўзгармаслиги, бу инсонлар доимо ўзлигига содиқ бўлиб яшашига ишонч ҳосил қилиганман.

Ўша суронли ва таҳликали йилларда айниқса Қашқадарё аёлларининг чидамлилиги, матонат ва жасоратини кўриб, уларга қойил қолганман. Ҳар қандай қийинчилклар олдида ҳам бўш келмаган бу аёллар, айримлар ўйлагандек, ожиза эмас, аксинча, ўзининг қатъий характеристери, тўғри йўлдан қайтмаслиги, умр йўлдоши, оиласига

вафо ва садоқати билан жуда катта зулм ва адолатсизликни енгиб ўтган эди. Юзлари офтобда қорайиб кетган, қўллари меҳнатда қадоқ бўлган бу аёлларнинг қалби, юраги шунчалар гўзал, шунчалар беғубор эканини кўриб, дунёда ҳақиқатан ҳам ўзбек аёлига тенг келадиган аёл йўқ, деган фикрга яна ва яна бир бор ишонч ҳосил қилганман. Айнан ана шундай аёлларнинг иродаси, меҳр ва муҳаббати билан Қашқадарё заминида минг-минглаб рўзгорлар бузилмасдан, ўртадаги муқаддас ишончга путур етмасдан, қанча-қанча оиласлар сақлаб қолинди.

Мен аёлларимизни оила қўргонининг таянчи ва суянчи, файзу фариштаси деб таърифлаганимда қашқадарёлик ана шундай мунис ва меҳрибон, ҳаёт синовларида тобланган опа-сингилларимиз кўз олдимда туради.

Оталари, ака-укалари, турмуш ўртоқлари «пахта иши» деган ноҳақ айблар билан қамоқхоналарга ташлангач, бу матонатли аёллар оиласда бош бўлди. Рўзгорнинг бутун қийинчиликларини ўз зиммасига олди, турмушнинг оғир, ҳар қандай мард эркакни ҳам ҳолдан тойдирадиган аравасини уларнинг ёлғиз ўзлари тортишига тўғри келди. Баъзилар учун заифа бўлиб кўринадиган аёл зоти ўзида шунча қудрат топиб, совет империясининг бутун қатагон машинасига ўз овози, ўз кучи ва ўз талаби билан қарши чиққани одамни ҳайратга солади.

Хозирги кунда ҳам юртимизнинг қайси шаҳар ёки қишлоғида одамлар билан учрашиб, сухбат

қурганда, мен Қашқадарё аёлларининг мана шундай фазилатларини доимо мисол қилиб кўрсатаман.

Нима учун? Чунки, уларнинг қандай оғир ва мاشаққатли кунларни бошдан кечирганини ўз кўзим билан кўрганман. Уч-тўрт йил давомида уларнинг барча ташвиш-азобларига, дарду ҳасратларига шерик бўлганман.

Ўша даврда, қанчалик мاشаққатли бўлмасин, барибир бу ер, бу тупроқ ўзимизники, вақт-соати келса, унга албатта ўзимиз эга бўламиз, деб, умид билан ёруғ кунларни кутиб яшаганимизни ҳам яхши эслайман.

Кўпчиликнинг юрагига қўрқув уругини сочган, ваҳимали у кунларда яшаш оғир эди, ҳар қадамда муҳтоjлик, етишмовчиликка дуч келардик, лекин бир-биrimizга нисбатан ҳурмат-эҳтиром, бир-биrimizning қадrimizга етиш туйгуси ҳаётимизда кучли эди. Бу ҳақда гапирав эканмиз, одамнинг қандай одамлиги оғир синов дамларида билинади, деган ҳаётий ҳақиқат нақадар тўғри эканига амин бўламиз.

Силлиқ ҳаёт кечирадиган, баландпарвоз гаплар билан яшайдиган, ёмонликни, хиёнат ва сотқинликни кўрмаган одамларнинг кўп нарсани фикридан, хаёлидан ўтказишга, холис ва ҳаққоний хулосалар чиқаришга қурби етмайди.

Ўша пайтлари мен кўпинча вилоят далаларини бир ўзим айланиб юардим. Менга милиция ходими ҳам, амалдорлар ҳам ҳамроҳлик қилмасди. Далага яқин уйлардан бирига эгалари кутмаган пайтда кириб, «Ассалому алайкум, мен янги

обком секретариман, «обком боваман», деб ўзимни таништирап эдим. Мезбонлар очиқ юз билан кутиб олишар, мошхўрда бўладими, угра бўладими, топганини дастурхонга қўйишар эди. Шу овқатларнинг мазаси ҳалигача оғзимда қолган. Қашқадарёликларнинг оши ҳам бошқача бўлади. Чорпояда чордана қуриб ўтириб, сизларнинг шевангизда айтганда, кўп гурунг қиласардик, мен кўпроқ эшитар эдим.

Мухтасар айтганда, кўнгли пок, одамнинг қадрини биладиган, дўст учун жонини беришга тайёр бўлган Қашқадарё аҳли билан ягона бир оиласек бўлиб яшаган йилларимизни мен ҳаётимнинг энг мазмунли, файзли дамлари деб биламан. Буни ўзим учун катта баҳт, катта шараф, деб ҳисоблайман ва ўйлайманки, бундай тақдир ҳаммага ҳам насиб этмайди.

Мен 1986 йилнинг охирида тасодифан, ҳеч кутилмагандан, Қашқадарё вилоятига раҳбар этиб тайинланганимда, қандай аҳволга тушиб қолганимни ёлғиз ўзим биламан. Чунки мен бунгача ҳеч қачон партия ташкилотларида ишламаган, уларнинг иш услуби ва тажрибасини ҳам кўрмаганман. Мен йигирма йил давомида Давлат план комитетида, кейин молия вазири сифатида ишладим. Ундан олдин анча вақт Тошкент авиация заводида меҳнат қилдим.

Лекин шуларнинг ҳаммасидан ҳам Қашқадарёда ишлаган йилларим мен учун алоҳида қадрлидир. Нега деганда, Қашқадарёда мен олган ҳаёт

сабоқларини – буни катта бир ҳаёт мактаби деса ҳам бўлади – ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди.

Агарки ҳаётимни икки паллага бўладиган бўлсам, Қашқадарёгача бўлган давр алоҳида, Қашқадарёда ўтказган йилларимнинг ўзи алоҳида бир даврни ташкил этади, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Такрор айтаман, Қашқадарёда дастлабки кунларда менга жуда оғир бўлган. Сабаби – ҳали тажрибам етарли эмас, бу жойнинг шароитини яхши билмас, ҳеч кимни танимас эдим. У вақтларда коммунистик партиянинг, Марказнинг айтгани – айтган, дегани – деган эди. Гоҳи-гоҳида ёшлардан собиқ тузум даврида, истибодод йилларида зуғум билан ҳукм юритган каттаконлар ҳақида сўраб қоламан. Жуда кўп жойларда «Биз уларни билмаймиз», деб жавоб беришади. Мен бундан хурсанд бўламан ва билмаганингиз – бу сизнинг баҳтингиз, деб айтаман.

Айни вақтда, бошқа бир томондан қараганда, у даврни ҳам билиш керак. Яъни, сохта ва ёлғон сиёsat асосига қурилган совет давлатининг барча кирдикорларини ёшларимиз билиши, мустақиллик билан мустабид тузум даврини қиёслаши ва холисона хулосалар чиқара олиши лозим.

Шу фурсатдан фойдаланиб, яна бир бор айтмоқчиман: мен советлар давридаги ҳаётни ич-ичидан кўриб-билганман. Шу муносабат билан тарих ҳақида, кечаги кунимиз ҳақида илгари айтган гапларимни яна такрорлашни ўринли

деб биламан. Тарихни билмаган ва ундан сабоқ чиқармаган одам келажак ҳаётни қуришда албатта хатога йўл қўяди.

Агарки одам, айниқса, раҳбар шахс тарихни яхши билса, бир вақтлар йўл қўйилган хатоларни тақрорламайди. Тарихни яхши билмаса, тарих мактабини ўрганмаса, инсон мутлақо нотўғри йўлга қараб кетиши мумкин. Тарихнинг нозик томонлари бор, шуни ҳис қилган одамгина ҳаётда нотўғри қадам ташламайди. Етти ўлчаб бир кесади. Тарих бизни айнан шунга ўргатади.

Албатта, тарихда кечган воқеаларнинг ибратли томонларини ўрганиш, шу билан бирга, уларнинг салбий жиҳатларини ҳам яхши билиш керак. Энг муҳими, тарихни билган, ўрганган одам, ким бўлишидан қатъи назар, кўп нарсадан хабардор бўлади. У давлат ва жамият қурилиши бўладими, иқтисодиёт ёки ижтимоий ҳаёт бўладими, уларни қандай ташкил қилиш кераклигини ҳар томонлама ва чуқур билади.

XIX аср бошларида, Франция императори Наполеон даврида «Келдим, кўрдим, енгдим», деган ибора бўлган. Мағзига, негизига етиб борадиган бўлсангиз, булар ҳаммаси юзаки, ҳаётдан узоқ гаплар экани аён бўлади.

Ҳақиқий ҳаётни билмаган, дунёга шунчаки келиб, шунчаки кўриб кетадиган одам ҳеч қачон муваффақиятга эриша олмайди. Нега деганда, ҳаёт шундай мураккабки, бугун сени кўкка кўтарса, эртага ерга уриши ҳам ҳеч гап эмас.

Мен қачонки ёш авлодимизга мурожаат қилас  
эканман, айни шундай фикрлар хаёлимдан  
үтади. Ёшлар ҳақида гапирганда, айниқса, ўз кучи,  
ўз фикрига эга бўлган, дунёқараши кенг, интел-  
лектуал даражаси юқори ёшларни тарбиялаб  
вояга етказишимиз керак, деганда, биз авваламбор  
нимани тушунамиз?

Ҳақиқатан ҳам, ҳаётда кимdir бизга нимани-  
dir ўргатади, лекин ҳар қайси инсоннинг ўзи  
ҳаёт мактабини ўташи керак. Кимdir ўргатиши  
ўз йўли билан, лекин одам ҳаёт ҳақиқатини ўз  
ақл-идроқи, ўз онги билан англаб етса, бунинг  
таъсири ва самараси бошқача бўлади.

Мен ёшларимиз тимсолида айнан шундай  
мезонлар билан яшайдиган инсонларни кўришни  
хоҳлайман. Ёлғон коммунистик ғояларга эмас,  
Ленин ёки Сталин каби сохта доҳийларнинг  
таълимотига эмас, балки ҳаётда ўз амалий  
исботини топган тажрибаларга, ўз билими, ақлу  
тафаккурига таяниб, онгли равишда иш кўра-  
диган йигит-қизлар – мана, бу биз орзу қилган,  
буғунги кунда ҳаётимизга катта куч бўлиб кира-  
ётган ёшлардир.

Мактабларда минг бор ўқитса ҳам ҳар қандай  
билим одамнинг ўзи ақл-идроқи билан етиб  
борадиган билимга teng келмайди. Чунки инсон-  
нинг қалби, ички туйғулари ҳаётда кўрган таж-  
рибалари асосида унга тўғри йўл кўрсатади.

Такрор айтаман, пода бўлиб яшаш инсон  
зотига, унинг асл табиатига мутлақо тўғри кел-  
майди. Шу маънода, «тепада доно доҳий бор,

улар ҳамма нарсани билади» деб бепарво ва беғам яшаш – бу бизнинг йўлимиз эмас. Ҳар бир онгли инсон ўз ҳаёти, жамият ҳаёти учун аввало дахлдорлик ва масъулият туйғусини чуқур ҳис қилиб яшаши керак. Нега деганда, бугун мисли қўрилмаган суръатлар билан кескин ўзгариб бораётган ҳаётнинг ўзи барчамиздан шуни талаб этмоқда.

Ҳозирги вақтда дунёда ким ҳукмронлик қиляпти, деб сўрасангиз, ким ахборот-коммуникация тизимига эгалик қилаётган бўлса, ўша ҳукмронлик қиласпти, деб жавоб берган бўлардим.

Ҳақиқатан ҳам, ахборот тизими – давлат ва жамият бошқарувида энг кучли тизим. Одамларни алдайдиган ҳам, уларга тўғри йўл, соғлом ҳаёт тарзини кўрсатадиган ҳам ахборот тизими. Шунинг учун ҳам биз Ўзбекистонда замонавий ахборот-коммуникация тизимини изчил ривожлантиришга катта эътибор беряпмиз.

Бугунги кунда Жанубий Корея жаҳонда электроника соҳасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда. Бу мамлакатда «электрон ҳукумат» деган бошқарув тизими шаклланган бўлиб, у давлатни бошқаришда асосий ишни одам эмас, балки электрон ахборот тизими амалга оширади, дегани. Одам фақат хулоса чиқариш, шу тизимга мослашиб фаолият олиб бориш, уни ҳаётга янада фаол жорий этиш учун керак. Иш юритишида давлат ходимлари кўп-кўп керакли-кераксиз қоғозларни ўқиши ёки ахборот ва маълумотларни ёзиши шарт эмас. Чунки бу борада асосан

электрон ахборот тизими ишлайди. Инсон эса ўзи учун зарур хуоса ва ахборотни олади, холос.

Шу нүктаи назардан қараганда, биз агар ҳақиқатан ҳам жаҳондаги тараққий топган давлатлар қаторига кирмоқчи бўлсак, бу йўлда ана шу мамлакатлар эришган янги-янги ислоҳотларни амалга ошириш ҳисобидан мана шундай марраларга етиб боришимиз шарт. Мен бу борада аввало ёшлиаримизга таянаман. Шунинг учун ҳам ўзимнинг чиқишиларимда эртанги кун, марра сиздек азму шижаатли ёшлиарники, маррани баланд қўйиб яшанг, ҳеч қачон бўш келманг, азиз болаларим, деб уларга мурожаат қиласман.

Ёшлиар бизнинг эртанги кунимиз, таянчимиз, суюнчимиз, деб кўп гапирамиз. Бунинг асосий маъноси шуки, эртага бизнинг ўрнимизга ёшлиаримиз, болаларимиз келади, айнан улар биз бошлиган ишларни давом эттиради.

Агар биз бугунги ҳаётни бунёд этишда фарзандларимизга ибрат бўлмасдан, уларга йўл бермасдан, фақат ўзим биламан, деб, большевикларнинг кечаги адолатсиз ишларини маъкул топсак, бу ҳақиқий калтабинлик бўлади.

Биз болаларимизни ёшлигидан ҳаётга ўргатишимиш керак. Халқимизда эркак зоти азалдан оила бошлиғи ҳисобланади. Ўзбек оиласида энг обрўли, энг мард инсон – бу оила бошлиғи. Айни пайтда ўзбек оиласида аёлнинг ўрни ва таъсири ҳам бекиёс. Халқимиз, эрни эр қиласидан ҳам, қаро ер қиласидан ҳам аёл, деб бежиз айтмаган. Яъни, эркак – оила бошлиғи бош бўлса, аёл –

бўйин. Бўйин қайси томонга қараб бурилса, бош ҳам шу томонга қараб бурилади.

Аёл – улуғ ва муқаддас зот. Бизни дунёга келтирган, оқ ювиб, оқ тараб одам қилган, эъзозлаб осмонга кўтарган ҳам оналаримиз – аёл зотидир. Агарки мана шу ҳақиқатни эркаклар тушунадиган бўлса, ҳар қадамда аёлнинг руҳини кўтариб, бардам бўл, қўрқма, мен борман, деб ёнида тоғдек суюнч бўлиб турса, бундай оила албатта мустаҳкам ва баҳтли бўлади.

Мана шундай ҳаёт ҳақиқатлари Қашқадарё-нинг ўзига хос шароитида айниқса яққол намоён бўлади. Аввало, бу воҳанинг эли қийинчиликларда тобланган. Қийинчилик деганда, мен аввало бу ердаги табиий иқлимини назарда тутаман. Масалан, кеча 44 даража иссиқ бўлди, агарки, одамнинг иродаси бақувват бўлмаса, бундай оғир шароитда яшаш, меҳнат қилиш, мўл ҳосил стишириш, юртни обод қилиш ҳамманинг ҳам қўлидан келмайди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги кунда одамларимиздан, аввалимбор, ёшлиардан талаб қилинадиган нарса, биринчи навбатда, аниқ мақсадга эга бўлиш, иккинчидан, билим ва яна бир бор замонавий билимларни эгаллаш. Бутун дунёнинг ривожланган мамлакатлари, мана, масалан, Япония ёки Жанубий Корея бўладими, Хитой ва Ҳиндистон бўладими, биз учун ўрганадиган томонлари кўп бўлган Германия ёки АҚШ бўладими, улар эришган замонавий билим ва ютуқларни ўзлаштириш жуда муҳим.

Бу ҳақда гапирганда, бир вақтлар Фарғонада маҳаллий раҳбарлардан бирининг, биздан нимани хоҳлайсиз, биз аграр республика бўлсак, ҳа, энди бизга бўлаверади, деб айтган гаплари ҳали ҳам эсимда. Аслида аграр республика дегани нима дегани? Бу пахта монополиясининг тўла ҳукмронлик қилиши дегани.

Мустабид тузум даврида юртимизда мажбурлаш йўли билан пахта яккаҳокимлиги ўрнатилди. Далаларимизда алмашлаб экиш жорий қилинмасдан, ҳар йили фақат пахта экилар, натижада тупроқнинг мадори қуриб, жони суғуриб олинар эди. Масалан, биргина Андижон вилоятини оладиган бўлсак, мавжуд ерларнинг 88 фоизига фақат пахта экилган. Бошқа жойларда, жумладан, Қашқадарёда ҳам ана шундай аянчли вазият ҳукмрон бўлганини бу ерда ўтирган нуронийларимиз яхши эслайди.

Шу кўз билан қараганда, билим олиш, илм-фан, касб-хунар чўққиларини пухта эгаллаш зарур, деган гапнинг тагида катта маъно-мазмун, керак бўлса, орзу-умид мужассам. Билим ва яна бир бор билим керак – бу бизнинг мақсадимиз, бу бизнинг шиоримиз. Билим деганда, нафақат замонавий илм-фан соҳаларини, айни вақтда улуғ мутафаккир ота-боболаримиз – бу осмон илмининг султони Мирзо Улугбек бўладими, Фарбда алгоритм кашфиётчиси сифатида машҳур бўлган, алгебра фани асосчиси Муҳаммад Ҳоразмий ёки қомусий аллома Абу Райҳон Беруний бўладими – уларнинг бебаҳо илмий меросини ҳам чуқур ўрганишимиз, эгаллашимиз даркор.



# *Бүгүнги Қашқадарё*





Alisher Navoiy

6408

nomidagi

3545

zbekiston MK











Биз улуг аждодларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Самарқандда 2014 йил 14 – 15 май кунлари ўрта асрларда яшаб ўтган Шарқ мутафаккирлари меросини ўрганишга бағишилаб ўтказилган «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференцияда дунёning элликдан ортиқ давлатидан келган олимлар буни яна бир бор эътироф этишди. Яқинда Голландиянинг Лейден университетида Ўзбекистон заминида яшаб ўтган буюк алломалар, хусусан, темурйилар даври илмий меросини ўрганишга доир катта анжуман бўлиб ўтди. У ерда нафақат бизнинг аждодларимиз, мутафаккирларимиз тўғрисида, балки, Ўзбекистонимизнинг бугунги тараққиёти тўғрисида ҳам муҳим ижобий фикрлар билдирилгани албатта барчамизни кувонтиради.

Мана шу йўлдаги амалий ишларимизнинг давоми сифатида биз яқинда Тошкент шаҳрида янги олий ўқув юрти – Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини очдик. Она тилимиз ва адабиётимиз бўйича алоҳида олий ўқув юрти мамлакатимизда ҳозиргача йўқ эди. Агар биз ўзимизни ҳақиқий озод халқ, эркин миллат десак, биринчи навбатда, ўз она тилимиз билан фахрланишимиз, уни асрлаб авайлашимиз, унинг тарихи, ривожланиш тараққиёти ва тенденцияларини чуқур билишимиз, бу борадаги турли хавф-хатарлардан уни ҳимоя

қилишимиз зарур. Энг аввало, мана шу туйғуни болаларимизга сингдирайлик. Агар тил йўқолса, миллатнинг ўзи ҳам йўқолади, тилсиз миллат бўлмайди. Чунки миллатнинг рухи, жони – бу она тилидир.

Ота-боболаримиздан бизга бўлиб келаётган яна бир эзгу фазилат – ирода, бақувват ирода эгаси бўлиш билан боғлиқ. Фақатгина мустаҳкам ирода билан бугун тобора мураккаблашиб бора-ётган ҳаётнинг турли қийинчилик ва машақатларини енгиб ўтиш мумкин. Шу боис, фарзандларимизни иродали қилиб тарбиялашга энг устувор аҳамият беришимиз керак.

Айни вақтда биз ўз олдимизга қўядиган маралар ҳаётий бўлиши лозим. Маррани ҳаётдан келиб чиқиб белгилаш зарур. Бу ҳаётда ҳамма нарса реал асосга эга бўлиши керак. Ҳаволаниб парвоз қилиб юриш, айниқса, раҳбар ходимларга умуман ярашмайди. Барчамиз ўзимизнинг мавжуд имконият ва ресурсларимизни яхши англаб, уларни ўзимизга аниқ тасаввур қилиб кўришимиз керак.

Сизларга яхши маълумки, «ўзбек модели»нинг асосини ташкил этадиган беш принципдан бири иқтисодиётни мафкурадан холи қилиш билан боғлиқ. Бу нима дегани?

Бир вақтлар совет даврида айнан мафкуравий сиёsat туфайли бизни ташқи дунёдан темир девор билан ажратиб қўйишган эди. Ўша даврда мен Давлат план комитетида, Молия вазирлигига

ишлаганимда бир ғалати воқеага гувоҳ бўлганман. Жанубий Кореяning ўша пайтдаги раҳбарининг мафкураси Марказда ўтирганлар учун маъқул келмагани сабабли ушбу мамлакат билан иқтисодий алоқа ўрнатиш ман қилинган эди. Шунинг учун собиқ Иттифоқдаги барча республикалар, жумладан, Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасида ҳеч қандай алоқа бўлмаган. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин биринчилар қаторида Жанубий Корея билан яқин ҳамкорлик муносабатларини ўрнатди. Бугунги кунга келиб Ўзбекистон иқтисодиётига энг кўп инвестиция киритган давлатлардан бири Жанубий Корея ҳисобланади. Охирги 15 йилда ушбу мамлакатнинг ишビルармон доиралари иштирокида иқтисодиётимизга киритилган маблағлар миқдори 7 миллиард доллардан ошиди. Бу борада, ўйлайманки, ортиқча изоҳлашнинг ҳожати йўқ. Кореяликлар иштирокида юртимизда энг сўнгги тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган иккита замонавий болалар шифохонаси қурилгани, ҳозирги пайтда яна шундай катта бир шифохона барпо этилаётганини назарда тутадиган бўлсак, мустақиллик биз учун ким ҳақиқий дўст эканини ўзимиз тушуниб, англаб олишимиз учун имконият яратиб берганини таъкидлашни ўринли деб биламан.

Мана, Қорақалпогистонда кореялик ҳамкорларимиз билан бунёд этилган, лойиҳа қиймати 4 миллиард доллардан зиёд, дунёда ўхшаши

кам Устюрт газ-кимё мажмуасининг ишга туширилганига кўп бўлгани йўқ. Жаҳон бозорида ўта харидоргир хисобланадиган полизтилен, полипропилен ҳамда бошқа кўплаб маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган ушбу корхона бугунги кунда юз фоиз қувват билан ишламоқда. Мана, бир вақтлар КПСС раҳнамолари томонидан, бизга хўжайинлик қилганлар томонидан иқтисодий алоқа боғлашга рухсат этилмаган Жанубий Корея-нинг иши. Нима эмиш, уларнинг мафкураси нотўғри эмиш. Эй, барака топкур, уларнинг мафкураси тўғрими-нотўғрими, буни аввало ўзимиз ўрганишимиз, улар билан алоқа қилиш-қилмасликни ўзимиз ҳал этишимиз керак эмасми? Мақсади, нияти тўғри бўлса, ҳеч қандай шарт қўймасдан бизга амалий ёрдам бераётган бўлса, бош устига. Бундай мамлакат билан қандай муносабат ўрнатишни биз ўзимиз яхши биламиз.

Бугун биз жуда мураккаб шароитда ҳаёт кечирмокдамиз. Ҳозирги вақтда дунёда бўлаётган турли воқеа-ходисалар, тез ўзгараётган ҳаёт жараёнлари эртага қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини олдиндан тасаввур қилиш қийин. Дунёда турли информация оқимлари, ахборот маконлари ва манбалари, мафкура полигонлари кўп. Улардан қайсиси тўғри, қайсиси ишончли, қайси бири гаразли эканини фарқлаш осон бўлмаяпти.

Мана, Интернетни олайлик, унда нималар йўқ? Ҳамма нарса бор. Ёлғон ҳам, тўғри нарса ҳам бор.

Ҳатто одамларнинг куракда турмайдиган расво фикрларини ҳам Интернетдан топиш мумкин. Биз болаларимизни ана шундай алдов ва ёлғон маълумотлар гирдобида, бузук, заарли ғоя ва мафкуралар қархисида ёлғиз қолдиролмаймиз. Уларни асраш учун Интернетни эплаш, тўғри ўзанга солиш, таъбир жоиз бўлса, Интернетни жиловлаш керак.

Албатта, Интернетни темир девор билан ажратиб бўлмайди. Интернет тармоғи орқали биринчи навбатда фарзандларимиз замонавий фан-техника ютуқларидан баҳраманд бўлиши зарур. Чунки ахборот-коммуникация технологиялари ҳар куни ўзгариб, ривожланиб бормоқда. Болаларимиз дунёдан, дунё тараққиётидан ортда қолмаслиги керак. Биз уларни дунёдан қанчалик ажратиб қўйсак, ўзимизга шунча зиён етказган бўламиз. Болаларимиз ҳамма нарсани билиши керак. Лекин қаерда рост, қаерда ёлғон, қаерда оқ, қаерда қора эканини тушуниб етиш, улар ўртасидаги чегарани фарзандларимиз ўз ақли, ўз онги билан ажратади олишга қодир бўлиши зарур.

Бу борада ягона бир савол, яъни Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўлига бу нарсалар қандай таъсир ўтказяпти, деган ёндашув асосий мезон бўлиши керак. Кўрдингизми, оддийгина кўринган бир масаланинг тагида қанча гаплар бор. Бундай вазиятда барчамиздан яна бир карра ҳушёрлик ва огоҳлик талаб қилинишини тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Яқинда мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг ўн бешинчи – юбилей саммити бўлиб ўтди. Сизларга маълум, ҳозирги вақтда Ҳиндистон ва Покистон ўртасида маълум бир зиддиятлар мавжуд. ШХТ доирасида уларни ўзаро яқинлаштиришга кўп ҳаракат қилинган эди. Эллик йил олдин бу икки мамлакатни яратишган тарихий учрашув ҳам айнан Ўзбекистонда, Тошкентда бўлган. Мана, куни кеча яна Тошкент шу иккита давлатнинг ШХТ аъзолигига қабул қилиниш жараёнини бошлаб беришда асосий роль ўйнади. Бу Ўзбекистоннинг халқаро обрўсини янада оширишда навбатдаги йирик қадам бўлганини, ўйлайманки, кўпчилик тушунади. Эътибор беринг, Ҳиндистонда 1 миллиарддан ортиқ, Покистонда эса 200 миллион аҳоли яшайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, ядро қуролига эга бўлган шундай иккита йирик давлатнинг бошини қовуштириб, уларни ШХТга қабул қилиш – бу ҳам бизнинг тинчлик йўлидаги катта ишимиз бўлди, десак, бу фикрга барчангиз қўшиласиз, албатта.

Қашқадарёning бугунги тараққиёти, унинг ютуқлари ҳақида маминуният билан гапирав эканмиз, беихтиёр ўтмишни эсламасдан ўтолмаймиз. Маълумки, собиқ Иттифоқ тизимида, бу мустабид тузум даврида яшаш худдики баракда – қамоқ лагерида яшаш билан баробар бўлиб қолган эди. Ҳамма нарса Марказдан ҳал қилинар, ҳамма нарса топшириқ орқали бажари-

ларди. Мен Госпланда ишлаган пайтимда Қашқадарё ёки Сурхондарёда битта болалар боғчасини қуришга рухсат олиш учун Москвадаги ўнлаб раҳбарларга отанг яхши, онанг яхши, деб ялиниб юрардим. Барака топкур, биз нафақат Иттифоқ аҳолисини, балки социалистик лагернинг ярмини боқиб, кийинтираётган бўлсак, шунча олтин, шунча ер ости бойликларимиз ташиб кетилаётган бўлса, нега энди битта болалар боғчаси қуриш учун ҳам Москвадан рухсат сўрашимиз керак? Қани бу ерда тенглик, қани бу ерда адолат? Айтинглар, шундан кейин бу тузумда яшашни кимдир хоҳлаши мумкинмиди ўзи?

Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги кунда Қашқадарёning чекка-чекка қишилоқларида ҳам қанча қурилиш, ободончилик ишлари бўлаётганига, ўнлаб корхоналар, боғча, мактаб, лицей ва коллежлар қурилаётганига турли туманлардан бу ерда вакил бўлиб ўтирган сиз, азизлар барчангиз гувоҳсиз. Мана, «Биз кечаким эдигу бугун ким бўлдик?» деган саволга содда жавоб.

Бугунги кунда мамлакатимиз ялини ички маҳсулотининг 7 фоиздан ортиғи, табиий газнинг 64 фоизи, нефтнинг 67 фоизи, газ конденсатининг 87 фоизи, юртимизда етиштирилаётган жами галланинг 12 фоизи, пахта хомашёсининг эса қарийб 12 фоизи айнан Қашқа воҳаси ҳиссасига тўғри келмоқда. Айни пайтда вилоятда 3 миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қиласди. Бу эса, табиийки, Қашқадарё вилоятининг иқтисодий

салоҳияти қанчалик катта эканидан далолат беради.

Фурсатдан фойдаланиб, бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтишни истардим. Оғир иқлим шароитига қарамасдан, ғалла ва пахтадан мана шундай мўл ҳосил етиштирадиган Қашқадарё халқи олдида ҳаммамиз қарздормиз. Бундай жазирама иссиқ, гармсел шамоллари кўз очирмайдиган шароитда ишлаш, улкан хирмон кўтариш – бу ҳақиқий қаҳрамонлик билан баробар.

Деҳқон йилнинг ўн ойини пахта даласида ўтказади. Билмадим, қолган икки ойда у дам оладими ёки фақат хаёлида дам оладими? Бундай заҳматкаш инсонларга биз доим хурмат билан қарашимиз ва уларнинг меҳнатини муносиб қадрлашимиз зарур.

Қашқадарё деҳқонларининг давлатга ғалла топшириш бўйича шартнома мажбуриятини бажарганини, бугунги ана шундай ютугини эшишиб, айни шу пайтда, энг хурсандчилик даврингизда мен сизларнинг орангизда бўлмасдан, сизларни табрикламасдан, Тошкентда ўтирасам, албатта ўзимни бир нарсани йўқотгандек ҳис қиласардим. Шу ўринда мен Қашқадарёни яхши кўришимни, ўзимни Қашқадарё фарзанди деб билишимни яна бир бор айтмоқчиман. Хурсандчилик кунларида ҳам, бошимизга қийинчилик тушган пайтларда ҳам мен доим сизлар билан бирга бўлганман ва умримнинг охиригача бирга бўламан.

Бу йилги мавсумда қашқадарёлик дехқонлар 1 миллион 200 минг тоннадан кўпроқ ғалла етишириб, унинг 335 минг тоннасини шартнома режаси сифатида топширгани, ҳосилнинг қолган қисмини халқимизга, бу ўқитувчи ёки шифокор бўладими, зиёли ёки дала меҳнатчилари бўладими – уларнинг ҳаммасига тарқатиб бериш, эртага бозорларимизда, дўконларда унимиз, ғалламиз мўл-кўл ва арzon бўлишига, тўкинчилик ва фаровонликка ҳисса қўшиш – бу ўз бурчини вижданан бажариш, лафзи ҳалоллик дегани эмасми? Сизларнинг бу катта меҳнат ғалабангиз Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида яна бир қудратли қадам бўлди.

Шуларнинг барчасини ҳисобга олиб айтмоқчи-ман: Қашқадарё мен ишлаган пайтда ҳам илгорлар сафида ажралиб турарди, вилоят ахли бугун ҳам ана шу байроқни баланд кўтариб боряпти ва у ўзининг мақсад-муродига албатта етади.

Қашқадарё вилояти бўйича ўртача ғалла ҳосилдорлиги гектарига 62 центнерга етганидан, айтинглар, гурурланмасдан бўладими? Ғаллачилигимиз тарихида бундан ҳам юқори ҳосилдорлик бўлганми ўзи?

Мана, кеча ўзимиз кўрдик, кейинги икки йил давомида Қарши шаҳри қайтадан қурилмоқда. Шахрисабз шаҳрининг янгитдан қурилишига тахминан 1 триллион сўм пул ажратганимиз – бу тарихимизда илгари ҳеч кузатилмаган воқеа.

Кеча қайта таъмирланган Амир Темур бобомиз номидаги қадимий кўприк ва унинг атрофидаги ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишдик.

Эътибор беринг, мен ўтган йили ҳам 30 июнда Қашқа воҳасига келган эканман. Тасодифни қаранг, орадан роппа-роса бир йил ўтибди. Ўша пайтда Амир Темур кўприги атрофида бугун амалга оширилган ишларнинг режаси пайдо бўлган эди. Ушбу худудни ҳар томонлама обод қилиб, уни замонавий Қашқадарёнинг бир намунаси, Қашқадарё халқининг ибратли ишларидан бири сифатида тарихда қолдиришни мақсад қилган эдик. Бугунги имкониятдан фойдаланиб, шу эзгу ва олижаноб ишга ҳисса қўшган, унда иштирок этган барча-барча инсонларни бағримга босиб, чин қалбимдан табриклайман ва чукур миннатдорлик билдираман.

Қарши шаҳридаги шинам, ҳар томонлама гўзал уй-жойлар айниқса одамнинг ҳавасини келтиради. Таи олиш керакки, ҳатто Тошкент шаҳрида ҳам бундай уйларни тополмайсиз. Ҳаммамиз яхши тушунамизки, буларнинг барчаси мустақиллигимиз берган чексиз имкониятлар туфайли бўлмоқда. Халқ учун, миллат учун бундай бетакрор имконият юз йилда бир марта келади. Буни Қашқадарёни севган, Қашқадарёга умрбод хизмат қилишга азму қарор қилган одамлар билиши ва қадрланин керак.

Амир Темур кўприги атрофида 4 минг дарахт ва буталар питомниклардан олиб келиб экилибди, бу ишларингиз учун ҳам сизларга раҳмат. Энди бу жойни шу даражада сақлаш, обод қилиш керакки, бўлди, қуриб олдик, энди буёғи бўлаверади, деб, шунча қилган меҳнатга масъулиятсизлик билан қараш мумкин эмас, бу бизга ярашмайдиган иш.

Нега деганда, қуриш осон, лекин уни асрабавайлаб сақлаш – бу энг оғир масала. Шу маънода бу ерда қурилган объектларни сақлаш, оқилона эксплуатация қилиш масалаларига жиддий қараш керак. Айтайлик, иссиқ сув, совук сув, газ таъминоти қандай, 4-қаватга ҳам сув чиқяптими, чиқиндилар ўз вақтида олиб кетиляптими, хонадонларни иситини масаласи қандай бўляпти, уй-жойларнинг атрофи тоза ва озодами, ободми, бунга масъул бўлган уй-жой мулкдорлари ширкатлари қандай ишламокда – буларнинг ҳаммаси эътиборимиз марказида туриши зарур.

Такрор айтаман, бугун замон жуда тез ўзгариб боряпти. Кеча ўн йилда, юз йилда битта катта воқеа содир бўлган бўлса, бугун ҳар куни ўнта шундай воқеа-ҳодисани қузатиш мумкин. Ана шундай шиддатли ва ўзгарувчан дунёда биз энг аввало ёшларимизда гуур-ифтихор туйғусини тарбиялашимиз керак. Ҳар қайси йигит-қиз ўз юрти, аждодлари, ота-боболари ҳақида гуурланиб гапириши, кимларнинг авлоди, қандай буюк ва бебаҳо мерос вориси эканини чуқур

англааб яшаши керак. Шу билан бирга, Ватаним тараққиётiga мен қандай ҳисса қўшяпман, деган саволни ҳам фарзандларимиз ўз олдига қўйиши, «Камолот» ташкилоти биринчи навбатда шу шиор билан яшаши зарур.

Амир Темур меросини, биринчи навбатда, Соҳибқирон бобомизнинг «Тузуклар»ини ўрганиш бутун юртимиз, аввало, Қашқадарё ёшлирининг маънавий бурчи бўлиши лозим. Мактабда, факультатив машғулотларда буни ташкил қилиш мумкин. Бу китоб доим менинг иш столим устида туради, уни ҳар куни қўлимга оламан. Ифтихор туйгуси нима, ғуур нима – буларни Амир Темур бобомиздан ўрганишимиз керак. Шунча асрлар ўтибди, лекин бундай мўътабар зотни, улуг саркардани дунё бошқа кўрмади, десам, ўйлайманки, янгилишмаган бўламан. Соҳибқирон бобомизнинг умрида бирон-бир жангда енгилмагани, ҳеч кимга таслим бўлмагани, Боязид бўладими, Тўхтамиш бўладими, ҳаммасини мағлуб этгани, такрор айтаман, мағлуб этгани унинг нақадар тенгсиз салоҳиятга эга бўлганини кўрсатади. Ҳозирги кунда бу галабани биз ўз меҳнатимиз, эришаётган ютуқларимиз билан кўрсатишимиш керак. Токи ҳамма, бутун дунё бизга қойил қолсин.

Албатта, сизларга айтадиган гапларим кўп. Лекин қолган сўзларни йилнинг охирида катта жамоа бўлиб, шахримизнинг – эътибор бердингизми, шахримиз деяпман – гўзал масканларида,

яхши кунларда учрашиб айтишга имкон бўлади, деб ўйлайман. Бафуржа ўтирадиган, бир пиёла чой устида гурунг қиладиган пайлар ҳам бўлади, албатта.

Сизлар билан бугунги учрашувга мен алоҳида тайёргарлик кўрганим йўқ. Сизларга фақатгина юрагимда, қалбимда бўлган гапларни айтдим, холос.

Энг муҳими, бугун Қашқадарё аҳли билан, бутун халқимиз билан бирга амалга оширган ва ошираётган ишларимизни ҳисобга оладиган бўлсак, тинч ва осойишта, обод ҳаётимизга баҳо берадиган бўлсак, биз ўзимизни ҳар томонлама баҳтли деб ҳисоблашга тўла ҳақлимиз.

**Каримов, Ислом**

**К 25** Ҳаёт синовларида тобланган Қашқадарё эли ҳар қандай юксак мэррани эгаллашга қодир/ И.Каримов. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2016. 28 б.

ISBN 978-9943-28-771-6

УЎК 323.(575.1)

КБК 66.3(5Ў)

*Расмий нашир*

**Ислом Абдуганиевич Каримов**

**ҲАЁТ СИНОВЛАРИДА ТОБЛАНГАН  
ҚАШҚАДАРЁ ЭЛИ ҲАР ҚАНДАЙ  
ЮКСАК МАРРАНИ ЭГАЛЛАШГА ҚОДИР**

Нашр учун мастьул *И. Ахмедов*

Рассом-дизайнер *Ш. Ходжаев*

Техник мұхаррир *Б. Каримов*

Кичик мұхаррирлар: *Д. Холматова,*

*Г. Ералиева*

*M. Ишонхонова*

Мусаҳҳих *A. Сулаймонов*

Компьютерда тайёрловчы

Нашриёт лицензияси AI №158. 14.08.2009.

Босишига 2016 йил 15 июлда рухсат этилди.

Бичими 60x90<sup>1/16</sup>. Офсет қофози. «Times» гарнитурасида  
оффсет босма усулида босилди.

Шартли босма табоги 1,75+0,5 вкл. Нашр табоги 1,44+0,78 вкл.

Адади 5000 нусха. Буюртма № 16-484.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйин.

100011. Тошкент, Навоий қўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20.

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

*e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz*

*www.iptd-uzbekistan.uz*